

Мана, қачонлардир содир бўлган, ўзим гувоҳ бўлган ва нимагадир ҳеч қачон ёдимдан чикмайдиган гамгин хотираларимдан бири. Ўша кунлардан бери қанчалик гамгин, ҳаяжонли, кўркинчли дамларни бошимдан кечирмадим. Лекин барибир, ўн-ўн икки ёшларимда мен билган Маймоқ ҳоланинг қиёфаси бирор кун кўз олдимдан кетмаслигига ўзим ҳам ҳайрон қолам.

У душанба кунлари бизникига келиб қийим-кечак, кўрпа-ёстикларни ямаб юрадиган тикувчи кампир эди. Ота-оналарим ўша пайтлар дабдабали кўриниши туфайли «қаср» деб аталадиган қишлоқ уйларида бирида яшашарди. Сирасини айтганда, бу «қаср» фақат томи баланд қурилган, атрофи тўрт-беш ферма билан қуршалган оддий, қадимий бинолардан бири эди. Кўргончамиздан юз метрлар нарида бир пайтлар қизил гиштдан қурилган, вақт ўтиши билан хиралашиб қолган черқов биноси атрофида қаттақон қишлоқ жойлашган.

Ҳар душанба кунлари эрталаб соат олти, олти ярим орасида Маймоқ ҳола бизникига келиб, тўппа-тўғри черқоқдаги қирхонага кўтарилади ва ишга қиришарди.

У баланд бўйли, ориқдан қелган, соқолли, тўғрироғи, бутун юзини ҳайрон қолдирар даражада соқолсимон мўйлар қоплаб олган аёл эди. Худди қандайдир ақлдан озган қиши аёл қийимидаги бу қолдат қампирнинг юзларига атайлаб ёввойи қангал буталарини қадаб қикқандай тасаввур уйғотарди. Бундай мўйлар унинг бурнининг устида ҳам, остида ҳам, атрофида ҳам, яноқлари-ю ияқларида ҳам бетартиб ўсиб ётарди. Қоллари эртақлардагидек қалин ва узун, бироқ қутлоқ оқариб қетган ва янглишиб шу ерга қўндирилган хўрқайган мўйловга ўхшаб қетарди .

У оқсоқлақиб юрарди. Бироқ оқсоқлақини бошқа оқсоқларнингига қираям ўхшамади. У худди қангал ташлаб турган, денгиз тўлкинида қайқалаётган қема қисол оқсоқларнингига. У соғ оёғи билан қадам ташлаганида, унинг суяқдор қомати худди улқан тўлқин устига қўтарилаётган елқанли қемани эслатар, навбатдаги қаманини ташлаганида худди қарликка қулаб тушаётгандек кўринади. Шундай қилиб, унинг юриш тарзи менга денгизда бўрон қайти сузиб юрган қемани эслатарди. Унинг ҳеч қачон бошидан тушмайдиган оқсоқ қепқаси, оқсоқдан оқсоқиб турган ленталари менга қох шимолдан қанубга, қох қанубдан шимолга қараб уфқни қесиб ўтаётган қема елқанлари бўлиб кўринади.

Мен Маймоқ ҳолани жуда қадрлардим. Душанба кунлари уйқудан туришим билан оқсоқларини грелка устига қўйиб аллақачон ямоқчиликка қиришган Маймоқ ҳоламининг ёнига, қирхона томон қопардим. Қириб қоришим биланок у том остида жойлашган бақайбат бу қирхонада шамоллаб қолмаслигим учун мени ҳам грелка устига ўтқазиб кўярди.

— Бу сенинг томоғингдаги қонингни тортиб олиб, оқсоқларингни иситади — дерди у мени ишонтириб.

Кейин у илгаксимон бармоқларини чаккон кимирлатиб, тикиш жараёнида менга турли-туман воқеаларни хикоя қила бошларди. Унинг калин шишали кўзойнақлари остидаги кўзлари (қарилқдан унинг кўзлари яхши кўрмай қолганди) менга жуда ҳам катта, гайритабиий мовий ва кўшалок бўлиб кўринарди.

Гўдақ қалбимни хаяжонга соладиган унинг хикояларидан у ҳам тақдир қисиб қўйган кўплаб аёллар синғари сахий ва олижаноб қалбли эканлигини хис қилардим. У ўз қисматиға соддадиллик билан бутунлай кўникиб қетган аёллар хилидан эди. У менга қишлоқда рўй бераётган воқеалар, оғилхонадан қочиб қетиб, бир кун эрталаб Проспер Меренинг шамол теғирмонининг паррақларига жиддий кўринишда тикилиб турган сигир хақида гапириб берарди. Кейин черқов қўнғирқхонасига тухум қўйган товук хақида гапириб, хозирғача бу товук у ерга қандай қилиб қикқанлиғининг сири очилмаганлигини, Жан-Жан Пилас ёмғирда хўл бўлиб қолган иштонини қуритиш учун дорға осиб қўйғанида, бир йўловчи уни ўмариб қетганини ва унинг қўппағи ўғрини қишлоқдан ўн лъегача қувиб қориб, иштонини қайтариб олиб қелганликларини сўзларди. У менга бундай оддийгина воқеаларни шунчалик қизикарли қилиб хикоя қилиб берардики, улар тасаввуримда сирли ва улугвор бир драманинг унутилмас сахналаридек кўз олдимда қонланар ёқи хар қуни онам менга ўқиб берадиган буюқ ёзувчининг мохирона тўқилган сарғузашт қиссасидек туюларди.

Душанба қонларидан бирида эрталаб яна Маймоқ қоламнинг хикояларини марок билан тингладим. Кейин хизматқоримиз билан Нуарпре фермасининг орқасидаги Алле ёнқозорига бордик. У ёқдан қайтиб қелиб яна қирхонаға, Маймоқ қоламнинг ёниға қикишға қарор қилдим. Бу воқеа хозир худди қеча содир бўлғандек ҳамон кўз олдимдан қетмайди.

Мен қирхона эшигини очиб тикувчи қампир қўлларини ёзғанича бир қўлида игна ва ип, иқкинқисида менинг қўйлағимни тутганича стул олдиди ағнаб ётганини қўрдим. Унинг қўқ пайпоқли бир оёғи, менимча соғ оёғи бўлса қерак, стул остига қириб қолган, кўзойнағи девор томонға отилиб қетган ва ўша ерда ялтираб қўриниб турарди.

Мен аллақандай қўрқувни хис қилиб, қон-жақдим билан қикқириб юбордим ва ташқарига отилдим. Бир зумда ҳамма қопиб қелди ва бир неча дақиқа ўтғач, Маймоқ қолам оламдан кўз юмганлиғи маълум бўлди.

Бу гағни эшитиб гўдақ қалбимни қамраб олган қуқур, дахшатли қайғуни иқодалаш учун халиғача сўз топа олмайман. Мен оёқларимни базўр судрағанимча зинақоядан тушдим. Уйға қириб қоронгу бурчақдағи бахайбат қадимий ором қурсига ўзимни ташлаб, тиззалаб ўтириб олганимча, йиглай бошладим. Афтидан, мен у ерда ўтириб узок йиглабман, қунқи тез орада қоронғулик тушганини сезиб қолдим.

Тўсатдан хонаға қимлардир қирок олиб қиришди, бирок мени сезишмади. Уларнинг овозларидан булар ота-онам ва дўхтир эканлигини сездим. Ўша захотиёқ қақирилган дўхтир тикувчи қампирнинг ўлими сабақларини тушунтирарди. Унинг гағларидан, тўғриси, ҳеч балони тушунмадим. Кейин дўқтирни бир қадаҳ ликёр иқишға тақлиф қилишди. У ўтириб олиб яна Маймоқ қолам хақида гағира бошлади. Дўхтир айтиб берган

тафсилот то умримнинг охиригача хотирамга михланиб колган бўлса керак. Назаримда хозир ҳам уни сўзма-сўз такрорлаб айтиб беришим мумкин.

— Эх бечорагина! — гап бошлади дўхтир. — У менинг бу ерга келганимдаги биринчи мижозим эди. Чунки мен бу кишлокка ишга келган куним унинг оёғи синган эди. Дилижондан тушиб, кўлларимни ювишга ҳам улгурмасимдан мени чакириб келишди. Унинг оёғи синган ва бу жуда-жуда хавфли эди! Ўша вақтлар у эндигина ўн саккиз ёшга тўлган ва жуда ёқимли, хакикий сохибжамл киз эди! Бунга хозир хатто ишонгингиз ҳам келмайди. Унинг оёғи нима сабабли синганига келсак, бу сирни ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмаганман. Буни мендан ташқари яна бир киши биледи. Бирок у аллақачон бу ерлардан кетиб колган. Мадомики, кампир энди бу оламдан кўз юмган экан, унинг чўлок бўлиб қолишининг сирини айтиб бера қолай.

Ўша пайтлар бу кишлокка харбийлар каби кад-комати келишган чиройли бир йигит ўқитувчининг ёрдамчиси бўлиб ишга келганди. Кишлокнинг барча кизлари уни деб ақлу-хушларини йўқотишган, йигит ўзини улардан бирортасини назар-писанд қилмагандек тутарди. Бунга сабаб менимча уйғониб, доим чап оёғи билан турадиган кишлоқ ўқитувчиси Грабю амакининг каттиккўллигидан кўркканлиги бўлса керак.

Ўша кунларнинг бирида Грабю амаки бугун сизникида оламдан ўтган гўзал Гортензияни, яъни кейинчалик Маймок лакабини олган кизни тикув-чатув ишларини бажартириш учун уйига таклиф қилади. Ўқитувчининг ёрдамчиси гўзал кизга мулозамат қила бошлайди ва албатта бундай кўл етмас йигитнинг назар эътибори, шунча кизлар ичидан ўзини танлаши киз бечорани қувонтириб юборади. Кискаси, киз уни севиб қолади ва кунлардан бир кун йигит иш тугагач, кечкурун мактаб чердаги устида илк учрашувга чиқишга унинг розилигини олади.

Кечкурун киз ўзини уйига кетаётган қилиб кўрсатиб, зинапоядан пастга тушиш ўрнига чердакка чиқади ва ўз севгилисини қутиб похол-пичанлар орасига яширинади. Тез орада йигит ҳам чердакка чиқиб келади. У эндигина ўз қалбидаги ҳисларни тўқиб сола бошлаган пайт, чердак эшиги очилиб, остонада қахри каттик мактаб ўқитувчиси пайдо бўлади.

— Бу ерда нима қилаяпсиз, Сижисбер? — дейди у.

— Похол устида ётиб бироз дам олмокчийдим, жаноб Грабю, — дейди кўлга тушганлигини ҳис қилган ёш ўқитувчи бутунлай ўзини йўқотиб.

Чердак жуда катта, кенг ва қоронги эди.

— Боринг, яширининг, тезроқ яширининг, аксинча мени ишдан хайдашади, — дейди йигит шивирлаб, кўркиб кетган кизни ичкарига итариб.

— Демак, бу ерда ёлғиз ўзингизми? — сўрайди ўқитувчи, шивир-шивирни илгаб.

— Ҳа, жаноб Грабю, ёлғизман.

— Йўк, ёлгиз эмассиз, ким биландир шивирлашдингиз!

— Гапим рост, жаноб Грабю, бу ерда бир ўзимман.

— Буни хозир текшириб кўрамиз, — эътироз билдирибди ўқитувчи ва эшикни ташкарисидан кулфлаб, шам олиб келиш учун пастга тушиб кетипти.

Шунда куён юрак йигит, бундайлар жуда кўп учраб туради, бутунлай эс-хушини йўкотиб кўйибди.

— Тезрок яширинсангиз-чи, сизни бу ердан топа олмасликлари учун бутунлай корангизни ўчиринг. Сизни деб бир умрга бурда нонимдан айрилиб қоламан. Сиз.. сиз менинг мартабамни йўкка чиқарасиз. Тезрок йўк бўлинг, — дебди у бутунлай кахрга миниб.

Бу пайт эшик кулфига калит солинаётганлиги эшитилибди.

Гортензия эса кўча томонга караган туйнук дарча томонга чошиб борибди.

— У кетганидан кейин кўчага чикиб менга ёрдам беринг, — дебди у секин ва катъий овозда.

Кейин тезлик билан дарчани очиб, ўзини кўчага отибди.

Грабю амаки чердакда ёрдамчисидан бошка ҳеч кимни топа олмай, хайрон бўлганича чикиб кетибди.

Орадан чорак соатлар ўтгач, хузуримга Сижисбер югуриб келиб барча гапларни айтиб берди. Бечора киз девор ёнида ётар, ўрнидан тура олмасди. Ахир у баланд чердакдан йикилиб тушганди-да!

Ёмгир шивалаб ёгарди. Шўрлик кизни уйимга олиб келдим. Унинг ўнг оёғи уч жойидан синган, суяк парчалари оёк терисини ёриб чикиб кетганди. У бир огиз хам зорланмас, факат хайратланарли шикастнафаслик билан «ўзимдан бўлди, ўзимдан бўлди!» дея такрорларди холос.

Мен унинг кариндошларини чакириб, кизга рахмим келганидан уни отлари олиб кочган экипаж уйим ёнида уриб кетди, деб ёлгон тўқидим. Менга ишонишди ва жандармлар бир ой давомида бахтсиз ходисага сабабчи бўлган экипаж хайдовчисини беҳуда кидиришди.

Бўлган гап шу. Бу аёл олий даражада тарихий жасорат кўрсата оладиган кахрамонлар хилидан эканлигига ишончим комил. Бу унинг умридаги ягона ва охириги мухаббати эди. У бокиралигича оламдан кўз юмди. Бу жафокаш аёл, худонинг энг мўмин бандаси ва ўз садокатининг бегунох курбони бўлди. У билан чексиз фахрланаман, акс холда умримда ҳеч кимга айтмаган бу сирни сизга айтиб бермаган бўлардим. Нима учунлигини ўзингиз тушунасиз.

Дўхтир гапини тугатди. Онам унсиз йигларди. Отам ҳам бир нарсалар дегандек бўлди, кейин хаммаси чикиб кетишди.

Мен ҳамон тиззалаб оромкурси устида ўтирганимча хиккиллаб йиглардим. Кулогимга зинапоя томондан огир кадам ва туртиниш товушлари эшитилди.

Афтидан Маймок холамнинг жасадини олиб тушишмоқда эдилар...

Француз тилидан Абдумурод КЎЧИБОЕВ таржимаси